

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

539 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3 Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 июнь,
385-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 16 июндаги 385-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг 1-банди олтинчи хатбошидаги «балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори

(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомнинг 23-бандидаги «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 7 сентябрдаги 419-сон қарорининг 4-банди биринчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 91-модда) «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» сўзлари «Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомда:

а) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Оилавий болалар уйи туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади. Оилавий болалар уйини ташкил этишни хоҳлаган эр-хотиннинг тегишли аризаси, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича туманлар ва шаҳарлар идоралараро комиссиясининг (кейинги ўринларда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия деб аталади) эр-хотиннинг тарбиячилар — ота-оналар бўлиши ва болаларни тарбия қилишга олиши имконияти тўғрисидаги хулосаси туман (шаҳар) ҳокимининг қарори қабул қилиниши учун асос ҳисобланади»;

б) 8-банднинг биринчи хатбошидаги «балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 10 ва 11-бандлардаги «балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарорининг 4-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 9-сон, 207-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси Миллий ҳаракатлар режаси бажарилиши мунтазам равишда кўриб чиқилишини таъминласин».

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муасса-

салари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 62-модда):

а) 1-иловада:

10-банднинг биринчи хатбошидаги «ўн тўрт ёшгача» сўзлари «ўн олти ёшгача (умумий ўрта маълумот олишни тугалламаган)» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ихтисослаштирилган мактабда тарбияланувчилар ўн олти ёшга тўлгунларига қадар сақланиши мумкин.

Истисно ҳолларда тарбияланувчиларнинг ихтисослаштирилган мактабда бўлиши улар 17 ёшга тўлгунларига қадар узайтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар ихтисослаштирилган мактабда хулқи тузалгунига қадар бўладилар, бироқ уч йилдан ортиқ эмас.

Ихтисослаштирилган мактаб жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияси тарбияланувчига жорий ўқув йилида тегишли синфни тамомлагунига қадар уч йиллик муддат тамом бўлгунгача кўрсатиб ўтилган муассасада қолишга рухсат бериши мумкин.

Ихтисослаштирилган мактабнинг ўн беш ёшга тўлган (умумий ўрта маълумот олишни тугаллаган), бироқ ўз хулқини тузатмаган тарбияланувчилари бундай мактаблар жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссияси томонидан ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига юборилиши мумкин»;

15-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Тарбияланувчининг ихтисослаштирилган мактабда бўлиши раҳбар томонидан тасдиқланган педагогик кенгашнинг қарори асосида ушбу муассаса жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиясининг қарорига кўра тўхтатилади, бу ҳақда тарбияланувчи битиришидан камида бир ой олдин у яшайдиган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия томонидан хабардор қилинади, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вояга етмаганни ишга жойлаштириш ёки таълим муассасасига йўллаш ва унга зарур моддий-маиший шароитлар яратиш чораларини кўриши шарт»;

28-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

10-бандда:

биринчи хатбошидаги «ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача» сўзлари «ўн беш ёшдан (умумий ўрта маълумот олишни тугаллаганлар) ўн саккиз ёшгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) комиссияси» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«17. Тарбияланувчининг ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида бўлиши раҳбар томонидан тасдиқланган педагогик кенгашнинг қарори асосида ушбу муассаса жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиясининг қарорига кўра тўхта-тилади, бу ҳақда тарбияланувчи битиришидан камида бир ой олдин у яшайдиган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия томонидан хабардор қилинади, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вояга етмаганни ишга жойлаштириш ёки таълим муассасасига йўллаш ва унга зарур моддий-маиший шароитлар яратиш чораларини кўриши шарт»;

28-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) комиссиясига» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссияларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

34-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 63-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомда:

а) 13-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг учинчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 29-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«29. Вояга етмаганнинг яшаш учун зарур шароитлар йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра яшаш жойига қайтиш имкони бўлмаган тақдирда, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш маркази бошлиғи бу ҳақда уни жойлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун унинг яшаш жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга маълум қилади, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари билан биргаликда вояга етмаганни жойлаштириш чораларини кўради.

Масъул шахслар томонидан ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказига жойлаштирилган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги ёки ўз вақтида кўрилмаганлигининг барча ҳолатлари бўйича дарҳол прокурор ва ушбу марказ жойлашган жой бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия хабардор қилинади».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 февралдаги 39-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Маъмурий жазога тортилган шахсларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 8-банднинг иккинчи хатбошидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» сўзлари «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банддаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» сўзлари «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Низомга 5-иловадаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2012 йил 26 мартдаги 82-сон қарорининг 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 йил 13-сон, 141-модда) «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» сўзлари «Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 июлдаги 201-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Касб-ҳунар коллежининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомнинг 5-бандидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 367-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш

тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-банди учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиясига» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 342-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомда:

а) 56-банднинг биринчи хатбошидаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 61-банддаги «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» сўзлари «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 16 июндаги 385-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини такомиллаштириш ҳақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й. 9-сон, 60-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига 2-илованинг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й. 2-сон, 13-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 июлдаги 156-сон қарорига илованинг 18-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й. 6-7-сон, 35-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил

30 декабрдаги ПҚ–1251-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ–1252-сон қарорлари)» 2010 йил 24 мартдаги 52-сон қарорига 1-илованинг 20-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й. 3-сон, 12-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 17 январдаги 13-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й. 1-сон, 4-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)» 2016 йил 26 апрелдаги 122-сон қарорига 1-илованинг 32-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 4-сон, 28-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сон қарори)» 2017 йил 13 мартдаги 130-сон қарорига 1-илованинг 9-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 28-модда).